КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 112 (7502). ● 10 июнь, 1981 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

◆ Ғўза парваришини область партия комитети ва область ижроия комитети Мурожаати асосида янада кучайтирайлик. Культивация, озиқлантириш, суғориш бир-бирига боғлиқ ҳолда ўтказилсин. Ғўза зараркунандаларига қарши қатъий кураш олиб борайлик.

◆ Бошоқли дон ҳосилини қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйайлик. Бу йил баракали дон хирмони уйиш учун ғаллакорлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтирайлик.

◆ Ем-хашак — гўшт, сут демак. Чорва молларига 1,5—2 йиллик план миқдорида озуқа жамғарилишига эришингиз. Табиий ўтлардан пичан жамғариш учун бу йилги қулай шароитдан тўла фойдаланайлик.

ҒАЛЛАКОРЛАР, МУСОБАҚАГА ҚЎШИЛИНГ!

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, 1981 йил социалистик мажбуриятларини ва ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун авж олган умумхалқ курашига актив қўшилиб, бошоқли дон, маккажўхори ва шолидан мўл ҳосил олиш, дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Область хўжаликлари беш йилликнинг биринчи йилида ялпи дон етиштиришни 240 минг тоннага, шу жумладан маккажўхори донини 156 минг тоннага, буғдой ва арпани 68 минг тоннага, шолини 42 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Давлатга камида 82 минг тонна дон сотилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1981 йилги социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ҳосилдорликни ошириш, дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича социалистик мусобақаси шартларини тасдиқладилар.

Ҳосилдорликни ошириш, дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда юксак натижаларга эришган социалистик мусобақа илғорларини рағбатлантириш мақсадида область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 3 та кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Улардан биттаси илғор районларга, биттаси колхозларга, биттаси совхозларга берилади. Кўчма Қизил байроқ билан биргаликда социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Йил якунига кўра социалистик мусобақада энг юқори натижаларга эришган район, колхоз, совхозда бу кўчма Қизил байроқлар доимий сақлаш учун қолдирилиши белгилаб қўйилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетлари, район комсомол комитетлари, колхоз, совхозлар раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш, социалистик мусобақада юксак натижаларга эришган ғаллакорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига область ғаллакорлари социалистик мусобақасини, илғор колхоз, совхоз ва бригадаларнинг маккажўхори дони, шоли, бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги иш тажрибаларини кенг ёритиш топширилди.

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛДА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ, ДОН ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ошириш, дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун социалистик мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ҳамда ихтисослаштирилган бригадалар иштирок этадилар.

Социалистик мусобақада қуйидагилар ғолиб деб топилади:

— Ҳосил ўрим-йиғими ва дон тайёрлаш даврида — ўрим-йиғим ва дон янчишни ўтказишда, давлатга дон сотишда энг юқори суръатларга эришган, келгуси йил ҳосили учун зарур миқдорда уруғлик фонди жамғариб қўйилишини таъминлаган районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари;

— дон етиштириш ва давлатга сотиш бўйича социалистик мажбуриятларини бажарган ҳамда ҳар гектар майдондан камида қуйидаги миқдорда ҳосил олган хўжаликлар ва бригадалар (центнер ҳисобида):

	Бошоқли дон экинларидан: лалмикор ерларда	суғориладиган ерларда	маккажўхори	Шоли
Районлар	18	30	90	65
Колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари	20	35	95	70
Ихтисослаштирилган дончилик бригадалари	22	40	100	75

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА ЯКУН ЯСАШ ВА ИЛҒОРЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

Районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ўртасидаги социалистик мусобақага область нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, мева-сабзавотчилик ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси тақдимномасига биноан икки босқичда якун ясалади.

Биринчи босқичга ўрим-йиғим ва давлатга дон сотиш даврида ҳар беш кунда календарь иш графигининг бажарилишига қараб якун ясалади. Ўрим-йиғимни ўтказишда ва давлатга дон сотишда энг юқори суръатларга эришган район, колхоз, совхозга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ҳамда социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Иккинчи босқичга йил натижаларига қараб якун ясалади. Социалистик мусобақа шартларига биноан дон экинларидан мўл ҳосил олган, дон етиштириш ва давлатга сотиш бўйича социалистик мажбуриятларини бажарган илғор район, колхоз, совхозга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи доимий сақлаш учун берилади ҳамда социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Йил якунига кўра илғор ғаллакорлар область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан ҳамда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бориш учун йўлланмалар билан мукофотланадилар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети ем-хашак жамғариш бўйича районлар, совхозлар, колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил 1 июнгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Тошкент районида (район партия комитетининг секретари Ю. Т. Толипов, район ижроия комитетининг раиси Э. Худойберганов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. У. Усмонова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Р. Тошпўлатов, район комсомол комитетининг секретари С. Аъзамов ўртоқлар). Бу районда дағал хашак жамғариш бўйича йиллик топшириқ 51,2 процент, шу жумладан сенаж 90 процент, ўт уни тайёрлаш 17,5 процент бажарилган.

Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозда (директори А. Е. Бакиров, партия комитетининг секретари А. Самариддинов, ишчилар комитетининг раиси Ғ. Ражабов, комсомол комитетининг секретари Б. А. Тоғаев ўртоқлар). Бу совхозда дағал хашак жамғариш бўйича йиллик топшириқ 75,8 процент, ўт уни тайёрлаш топшириғи 101 процент бажарилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига** (раиси Т. Г. Хван, партия комитетининг секретари В. С. Пак, касаба союз ташкилотининг раиси Л. Г. Пак, комсомол комитетининг секретари В. Т. Ким ўртоқлар) берилди. Бу колхозда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 53,4 процент, шу жумладан сенаж — 70 процент, беда пичани — 34,3 процент, ўт уни тайёрлаш 14 процент бажарилган.

Область план бўлимига Тошкент районига, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан автомашина ажратиш топширилди.





Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози меҳнаткашлари бу йил 749 гектар майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Хўжалик пахтакорлари ва механизаторлари область партия комитети ва область ижроия комитетининг Мурожатидан руҳланиб, бутун куч ва имкониятларни ғўза парваришини намунали ташкил этишга қаратмоқдалар. Ҳозир ғўза қатор ораларига тўртинчи ишлов берилмоқда. Минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдирилган ғўза ниҳоллари текис шоналай бошлади. Суратларда: (юқорида) 60 центнерчи бригада бошлиғи Ғ. Жунусов, колхоз партия комитетининг секретари М. Абдураҳмонов, колхоз раиси А. Қодировлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар; (ўнгда) ғўзани культивация қилиш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ҒАЛЛА ЎРИМИНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ЎТКАЗАМИЗ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Айдар Мавлонов бошлиқ ғаллачилик бригадаси коллективи бу йил мўл буғдой ва арпа ҳосили етиштирди. Деҳқонлар ҳосил мўл бўлиши учун куч-ғайратларини аямадилар. Улар областимизнинг илғор ғаллакорлари қатори бу йил баракали дон хирмони уйиш, ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Илғор коллектив ҳар гектар майдондан 18 центнердан дон олиш ва ўрим-йиғимни қисқа муддатда якунлашга сўз беришган.

Ҳозир биз ғалла ўримига киришмоқдамиз. Хўжалик ғаллакорлари Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг мурожаатига жавобан ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар. Улар етиштирилган ҳосилни олти кун ичида йиғиштириб олиш ва лалмикор майдонларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан дон хирмони уйиш юзасидан янги оширилган мажбуриятлар қабул қилишди.

Бу осон вазифа эмас. Лекин биз уни шараф билан адо этишимизга ишончимиз комил. Механизаторларимиз ўрим-йиғим мавсумига пухта тайёргарлик кўрганлар. Барча комбайнлар, автомашиналар, тракторлар ва бошқа техника воситалари ғаллазорларга олиб чиқишга шай.

Ўрим-йиғимни ипатоволиклар иш услубида ташкил этамиз. Совхозимизда ўрим-транспорт комплекс отряди тузилган. Ҳосилни йиғиштириб олишни механизмлар ёрдамида конвейер усулида йўлга қўямиз. Дон янчиш билан бир қаторда сомонни йиғиштириб олиш ва ер ҳайдаш ўтказилади.

Ҳосил ўрим-йиғимини олти кунда туғаллаш учун биз барча имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик. Ғаллазорларимиз 650 гектарни эгаллайди. Бу ерларда 7 та комбайн ишлайди. Бу ҳар бир комбайнга 100 гектардан ғаллазор тўғри келади, деган гап. Ўрим-йиғимни икки сменада бир кеча-кундузда 15—16 соат давомида олиб борамиз. Ҳар бир агрегатга комбайнчи ва унинг ёрдамчиси бириктиб қўйилади.

Механизаторларимизнинг кўпчилиги катта тажрибага эгадирлар. Масалан, Иван Попов ўн йилдан бери ғалла ўрим-йиғимида иштирок этади. Бу йил у ёрдамчиси Холдор Элчонов билан биргаликда 120 гектар ердаги ҳосилни йиғиштириб олиш ва 240 тонна дон янчиш мажбуриятини олган. Иван Горюнов ва Виктор Мурзаевлардан иборат экипаж ҳам узоқ йиллардан бери ғалла ўрим йиғимида иштирок этишади. Улар бу мавсумда 110 гектардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва 220 тонна дон янчишга сўз берганлар. Бошқа экипажлар механизаторлари ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишган.

Ўрим даврида агрегатларнинг айрим деталлари ва қисмлари ишдан чиқиши мумкин. Бу нуқсонларни бартараф этиш учун ўрим-транспорт отрядида техника хизмати кўрсатиш бўйича звено бўлади. Унга марказий ремонт устахонасининг механиги Сафар Қаршибоев раҳбарлик қилади. Звенода уч слесарь, икки электр пайвандчи бўлади. Звено зарур жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминланади. Техника ремонти бевосита даланинг ўзида ўтказилади. Техника хизматини яхши йўлга қўйиш мақсадида ўрим-транспорт отрядининг бир далада ишлашини ташкил этамиз.

Ўрим-йиғимни бундай ташкил этиш барча звенолардаги механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани яхши йўлга қўйишга хизмат қилади. Мусобақага ҳар куни якун ясалади. Иш якунлари «Мусобақа экрани»да ўз аксини топади. Барча механизаторлар ва ғаллакорлар ундан ўзлари ва бошқаларнинг кўрсаткичларини билиб олишлари мумкин бўлади.

Мусобақа илғорлари ҳар уч кунлик якун бўйича аниқланади. Биринчи ва иккинчи ўринни олган комбайнчилар 20 ва 30 сўм миқдорида пул мукофотлари ҳамда кўчма Қизил вимпел билан тақдирланадилар. Бошқа звенолардаги механизаторлар ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борадилар.

Ўрим якунига биноан мусобақада ғолиб деб топилган механизаторлар қимматли совғалар билан мукофотланишади. Биринчи ва иккинчи ўринни олган комбайнчиларга холодильниклар, сомонни йиғиштириб олиш ва ер ҳайдашда ғолиб чиққан тракторчилар транзисторли приёмниклар билан тақдирланадилар.

Мавсум нормасини бажарган, юксак иш сифатига эришган ва ҳосилни нобуд бўлишига йўл қўймаган механизатор ва ишчиларга мукофот тариқасида буғдой берамиз. Комбайнчиларга 300, унинг ёрдамчисига 210, машина ҳайдовчиларга 210, ишчиларга 150 килограммдан дон бериш кўзда тутилган.

Ўрим мавсумида механизаторлар учун иш нормалари ва уларга ҳақ тўлаш усули ишлаб чиқилган. Комбайнчилар норма бўйича бир сменада беш гектар майдондаги ғаллани ўриб олишлари керак. Бу иш сифатли ўтказилган тақдирда комбайнчига ўрилган ҳар гектар майдон учун 2 сўм 23 тийиндан ҳақ тўланади. Комбайнчи ёрдамчиси бу ҳақнинг 80 проценти миқдорида маош олади.

Мусобақа шартлари ва иш ҳақи тўлаш тартиби ўрим-йиғимда иштирок этадиган ҳар бир кишига етказилди. Бу шартлар билан ҳар бир дала шийпонида танишиш мумкин.

Механизатор ва ишчиларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб беришга ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Улар ишдан сўнг дала шийпонида мириқиб дам олишлари, газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишишлари, шахмат-шашка ўйнашлари мумкин. Механизаторлар учун кунига уч марта иссиқ овқат ташкил этилади.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши хўжалигимизда ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказиш, Ватан омборига мўл сара буғдой ва арпа тўкиш имконини беради.

Г. ГРИЦЕНКО,
Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг директори.

МОСКВАГА ВИЗИТ БИЛАН КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти, Миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Шадли Бинжадид 8 июнь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда Ш. Бинжадидни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ — ЖАЗОИР МУЗОКАРАЛАРИ

9 июнь куни Кремлда Совет — Жазоир музокаралари бошланди.

Музокараларни Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарёв;

Жазоир томонидан — Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Миллий озодлик фронти (МОФ) партиясининг Бош секретари Шадли Бинжадид, МОФ партияси Марказий Комитетининг аъзоси, партия Марказий Комитети ташқи алоқалар комиссиясининг Раиси С. Хофман, МОФ партияси Марказий Комитетининг аъзоси ЖХДРнинг СССРдаги элчиси Л. Якер, МОФ партияси Марказий Комитетининг аъзоси, молия министри М. Х. Яла, МОФ партияси Марказий Комитетининг аъзоси, планлаштириш министри А. Брахими олиб бормоқдалар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтаётган музокараларда ҳозирги халқаро вазиятнинг актуал проблемалари, шу жумладан Яқин ва Ўрта Шарқдаги Ўрта денгиз райони ва жаҳоннинг бошқа баъзи районларидаги аҳвол кўриб чиқилди.

АҚШ бошчилигидаги империалистик доираларнинг агрессив авантюристик йўли халқаро вазиятни ғоят мушкуллаштирилаётганлиги, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Совет Иттифоқи, деб уқтириб ўтди Л. И. Брежнев, тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликнинг юмшатилишини сақлаб қолиш сиёсатини ана шу милитарлаштириш ва агрессия йўлига қарама-қарши қўймоқда. Барча тинчликсевар кучлар бу сиёсатни кенг қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар. КПССнинг XXVI съездида тинчлик борасида кўрсатилган ташаббус ва илгари сурилган таклифлар ҳақида кўп мамлакатларда баён қилинган фикрлар буни тасдиқлайди. Совет Иттифоқи халқаро кескинликнинг кучайтирилишига йўл қўймаслик, кескинликнинг юмшатилишини сақлаб қолиш, бу жараённинг тобора ривожланишини таъминлаш учун бундан буён ҳам зўр сабот билан ишлашга, ер юзида ишончли ва мустаҳкам тинчлик сари амалда интилаётган барча кучлар билан ҳамкорлик қилишга қатъий қарор берган.

Ш. Бинжадид КПССнинг XXVI съезди илгари сурган ташқи сиёсий программага, Совет Иттифоқининг тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил йўлига ижобий баҳо берди.

Яқин Шарқдаги аҳвол муҳокама қилинган пайтда АҚШнинг ошкора экспансиячилик йўлига ва Кэмп-Дэвид сепарат битимига таянувчи Исроилнинг агрессив ҳаракатлари кучайганлиги бу ерда янги қуролли можаро чиқариш хавфини вужудга келтиради, деб қайд этилди. Исроилнинг Ливандаги иғвогарлик ҳужумлари ва Исроил авиациясининг Ироқ пойтахти Бағдодга босқинчиларча қилган ҳужуми буни яққол исбот этади.

Ҳар икки томон Яқин Шарқда вужудга келган аҳвол Яқин Шарқ можаросини бартараф қилиш ишини боши берк кўчадан олиб чиқиш йўлида коллектив бўлиб ҳаракат қилиш жуда муҳим эканлигини тасдиқлайди, деб ишонч билдирди. КПССнинг XXVI съездида, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, Яқин Шарқ масаласи юзасидан барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан Фаластин Озодлик Ташкилотининг иштироки билан махсус халқаро конференция чақириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Кўпгина араб мамлакатларида бу таклиф ҳақида ижобий фикрлар баён қилинди. Ана шу таклиф Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишнинг реал йўлини очиб беради.

Форс кўрфази районидаги аҳвол хусусида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг аралашуви бу районда тинчлик ва осойишталикни жиддий хавф остида қолдиради. Ш. Бинжадид Жазоир Совет Иттифоқининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатишга, регионда барқарор ва осойишта вазият вужудга келтиришга қаратилган таклифларини қўллаб-қувватлайди, деди.

Ўрта денгиздаги аҳволга доир баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида бу районда кескинликнинг ҳамма омилларини йўқотиш ва тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик манфаатларини кўзлаб Ўрта денгиз давлатлари ўртасида самарали ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш зарур эканлиги уқтириб ўтилди.

Музокаралар давом эттирилади. (ТАСС).

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат комитети бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Еникеев Шамиль Абдуллович — Давлат Бутуниттифоқ машина-трактор парки ремонти ва фойдаланиш илмий-тадқиқот технология институти Ўрта Осиё филиали сектор мудири, Калинин райони.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Литвинова Лидия Тимофеевна — «Гидропромсельстрой» институти Тошкент бўлинмаси катта инженери.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил, 14 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Химия саноати министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Красношеков Владимир Фёдорович — «Химавтоматика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чирчиқ автоматика тажриба-конструкторлик бюроси ремонтчи слесари.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Истраткин Петр Иванович — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси Олмалиқ маиший химия заводи слесари.

Федорченко Виталий Михайлович — «Химавтоматика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чирчиқ автоматика тажриба-конструкторлик бюроси токари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Камолова Бибисора — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси Олмалиқ маиший химия заводи йиғувчиси.

Носирова Хатира Болтабоевна — «Химавтоматика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чирчиқ автоматика тажриба-конструкторлик бюроси инженери.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Зварич Наталья Семёновна — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси Олмалиқ маиший химия заводи аппаратчиси.

Токарев Владимир Ильич — Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар комитети секретари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Сайдалиев Мурод Саидалиевич — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи директори.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Гаврилов Александр Семёнович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи ремонтчи слесари.

Мўминов Абдураззоқ — химия ва нефть саноати ишчилари касаба союзи Ўзбекистон республика комитетининг раиси.

Нурматов Собир — қадоқлаш ва ўраш асбоб-ускуналари тажриба-конструкторлик ва технология бюроси фрезерчиси.

Пепковский Георгий Алексеевич — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Пирогов Павел Иванович — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуюв машиналари созловчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Содиқов Мамасоли Убайдуллаевич — пахта целлюлозаси химия ва технологияси илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

Яковлев Федор Иванович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи слесари.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гаврилов Геннадий Георгиевич — қадоқлаш ва ўраш асбоб-ускуналари тажриба конструкторлик ва технология бюроси асбоб-ускуналарни созловчиси.

Каримжонов Илҳом Орипжонович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи слесари.

Кизимов Николай Федорович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи аппаратчиси.

Муртазин Мансур Габитович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи аппаратчиси.

Раҳимов Икром — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи мастери.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Бесчетнов Николай Степанович — қадоқлаш ва ўраш асбоб-ускуналари тажриба конструкторлик ва технология бюроси лаборатория мудири.

Иноятов Миркомил — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи аппаратчиси.

Эргашев Исмоил Қўчқорович — пахта целлюлозаси химия ва технологияси илмий текшириш институти ойна пурковчиси.

Мороз Валентина Михайловна — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси.

Тошмедов Аҳмаджон — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи поездлар тузувчиси.

Ҳамидов Рихси — пахта целлюлозаси химия ва технологияси илмий-текшириш институти цех бошлиғи.

Ёқубова Татьяна Евгеневна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи хомашё қабул қилувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Азизов Эркин Шохобович — қадоқлаш ва ўраш асбоб-ускуналари тажриба-конструкторлик ва технология бюроси конструктори.

Оқилов Саидбори Анварович — пахта целлюлозаси химия ва технологияси илмий текшириш институти аппаратчиси.

Алаторцев Василий Николаевич — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи ишчиси.

Арутюнов Эдуард Ефремович — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим мудири.

Икромов Абдулла Маҳмудович — «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Левочкина Надежда Георгиевна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи аппаратчиси.

Лесовская Любовь Васильевна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи аппаратчиси.

Муталов Абдуқодир Абдуллаевич — пахта целлюлозаси химия ва технологияси илмий текшириш институти электр слесари.

Пономаренко Александр Иванович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи тунукасози.

Толкунова Татьяна Лукьяновна — қадоқлаш ва ўраш асбоб-ускуналари тажриба-конструкторлик ва технология бюроси силлиқловчиси.

Хинизова Римма Биналиевна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент лак-бўёқ заводи станокчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил 6 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Давлат савдоси бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Чакана савдо товар оборотини ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Ризаева Муҳаррам Рауповна — Янгийўл шаҳар савдоси 19-магазин катта сотувчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Гончарук Зульхида Зайнитдиновна — Янгийўл шаҳар савдоси 7-магазин мудири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Михайлусова Виалетта Николаевна — Чирчиқ умумий овқатланиш трестининг 1-ошхона қандолатчиси.

Юсупова Оқила Умаровна — Халқ депутатлари Тошкент область Советн ижроия комитети савдо бошқармаси бошлиғи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Корсукова Мария Васильевна — Чирчиқ шаҳар савдоси директори ўринбосари.

Куряева Людмила Хан-Шеби — Янгийўл умумий овқатланиш тресети «Янгийўл» ресторани ошпази.

Маметова Гулшан Аметовна — Бекобод шаҳар савдоси 35-магазин мудирининг ўринбосари.

Нуриддинова Нортожи — Бекобод шаҳар савдоси 3-магазин катта сотувчиси.

Сейтаптиев Сеит Ибрагим — Бекобод умумий овқатланиш трести «Молодёжное» кафеси ошпази.

Сайдалиева Сидиқ — Ангрен умумий овқатланиш трести «Гулистон» ресторани ошпази.

Умарова Ҳадича — Ангрен шаҳар совдоси 64-магазин сотувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ашурова Холида Абдужабборовна — Чирчиқ шаҳар савдоси 49-магазин сотувчиси.

Жўраев Турсунали — Янгийўл умумий овқатланиш трести «Баҳор» ресторани ошпази.

Жирнова Лидия Михайловна — Бекобод умумий овқатланиш трести 54-ошхона ошпази.

Миноварова Зулхумор Худойбергановна — Чирчиқ шаҳар савдоси 57-магазин сотувчиси.

Никонорова Мария Леонтьевна — Чирчиқ умумий овқатланиш трести 4-ошхона ошпази.

Роҳатова Жаҳон Муҳамедовна — Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети инструктори.

Унгаров Раид — Ангрен умумий овқатланиш трести автомобиль хайдовчиси.

Ерматов Раҳим — Бекобод шаҳар савдоси 4-магазин контролёр-кассири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Голубева Антонина Михайловна — Янгийўл умумий овқатланиш трести 8-ошхона ошпази.

Козимбетова Зебагул Куаетбоевна — Чирчиқ умумий овқатланиш трести 10-ошхона ошпази.

Миртўлаганова Турсуной — Бекобод умумий овқатланиш трести 4-ошхона буфетчиси.

Мокин Семён Димитриевич — Ўзбекистон Компартияси Бекобод шаҳар комитети иккинчи секретари.

Нишонбоев Абдуқаҳҳор — Чирчиқ шаҳар савдоси 92-магазин сотувчиси.

Попова Лидия Андреевна — «Узмясомолторг» Чирчиқ музхонаси машинисти.

Салишева Феруза — Оҳангарон шаҳар савдоси 2-кафе буфетчиси.

Тошева Турсуной — Янгийўл шаҳар савдоси 18-магазин катта сотувчиси.

Ткачук Мария Дмитриевна — Ангрен умумий овқатланиш трести «Баҳор» ресторани ошпази.

Турсунқулов Тошмат — Ангрен шаҳар савдоси озиқ-овқат базаси ишчиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Хожиев Рашид Мираҳметович — Ташпромторгнинг 18-магазин катта сотувчиси.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Акбаров Рихсибой Файзуллаевич — Тошкент Марказий универмаги секция мудири.

Ананова Александра Григорьевна — Акмал Икромов ошхоналар тресети 3-ошхона ошпази.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмедов Муҳаммаджон Аҳмедович — Ўзбекистон ССР савдо министрлиги давлат савдо инспекцияси бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Аҳмедов Назир — Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бош бошқармаси бошлиғи.

Баскакова Александра Ефимовна — Ленин райпишчеторги директори.

Ефимков Владимир Григорьевич — Ўзбекистон ССР савдо министрлиги бош бухгалтери.

Исломов Шариат Исломович — «Узкультторг» республика улгуржи базаси директори.

Қўшоқов Маъмур Исмоилович — Фрунзе ошхоналар трести директори.

Мартинова Зинаида Яковлевна — Ленин ошхоналар трести 8-ошхона ишлаб чиқариш мудири.

Матковский Иван Семёнович — Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг маҳсулотлар сифатлари бўйича давлат инспекцияси бошқармасининг бош давлат инспектори.

Мираюбова Саида Маҳмудбековна — «Хизмат беминнат» савдо фирмаси 1-магазинининг мудири.

Собиров Содиқ Собирович — Ўзбекистон «Гастроном» республика идорасининг бошқарувчиси.

Тожибоев Хусан — «Узспортторг» 1-магазинининг катта сотувчиси.

Хасанов Мадаминжон Хасанович — Ўзбекистон ССР савдо министри.

Шокирова Солияхон Қаландаровна — «Уздорресторан» тресети аэровокзал ресторанининг буфетчиси.

Юнусов Жўра — Фрунзе ошхоналар трестининг 10-ошхонаси ошпази.

Якимова Антонина Александровна — Тошкент Марказий универмагининг катта товароведи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ананьева Нина Михайловна — Куйбишев ошхоналар трестининг 17-ошхонаси бош ошпази.

Виноградов Владислав Павлович — Ўзбекистон ССР Савдо министрининг биринчи ўринбосари.

Горенков Виктор Андреевич — Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Қодирова Раиса Галимовна — «Ташплодоовощ» бирлашмаси касаба союз бирлашган комитетининг раиси.

Мелкумова Эмилия Тиграновна — «Узхозторг» республика улгуржи базаси директори.

Мирпўлатов Ўткир Мирпўлатович — Ўзбекистон ССР Савдо министри ўринбосари.

Розиқов Лутфилла Муҳаммаджонович — Октябрь ошхоналар трести 23-ошхона ошпази, Тошкент шаҳри.

Ёқубхўжаева Машкурахон Жалиловна — Тошкент хлебторги 93-магазин мудири.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураимов Турсун — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси группа мудири.

Абдубекова Сатпора Маҳмутбековна — Тошкент Бош универмаги секция мудири.

Абдуллаев Мухтор Маҳшаррович — «Ташгалантерейторг» 38-магазин секция мудири.

Абдурасулов Ғуломназар — Халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети ижроия комитети раиси.

Абдусатторова Тўлганой — «Узтекстильторг» Тошкент улгуржи базаси катта товароведи.

Аминов Самиғ Нигматович — Куйбишев ошхоналар трести тайёрлов фабрикаси ошпази, Тошкент шаҳри.

Аширметова Мухаррам Юсуповна — «Болалар дунёси» Тошкент универмаги катта сотувчиси.

Борисова Алиса Михайловна — «Алмаз» республика улгуржи — чакана бирлашмаси «Берёзка» 25-магазин контролёр-кассири.

Василец Мария Андреевна — Чилонзор ошхоналар трести 8-ошхона ошпази.

Галавкова Валентина Андреевна — Тошкент ресторанлар трести «Чилонзор» ресторани ишлаб чиқариш мудири ўринбосари.

Ибрагимов Яхё — Тошкент Бош универмаги директори.

Иногомов Хуршид Хасанович — Тошкент Марказий универмаги директори.

Коваленко Елена Осиповна — «Узмясомолторг» Тошкент шаҳар улгуржи конторасн 4-музхонаси, лифтчиси.

Концевая Клавдия Васильевна — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи.

Корчагина Раиса Семёновна — Ҳамза ошхоналар трести 7-ошхона ошпази.

Кострикова Наталья Петровна — «Ташлимводторг» Киров савдо базаси 10-киоска сотувчиси.

Кузмичаев Вадим Васильевич — СССР Савдо министрлиги «Союзторгоборудование» Бутуниттифоқ бирлашмаси Ўзбекистон республикалараро базаси бошлиғи.

Кулюшин Дмитрий Васильевич — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги бошқарма бошлиғи.

Мансурова Наима Алимовна — «Гастроном» Ўзбекистон республика конторасн 27-магазин катта сотувчиси.

Мироқилов Пўлат Миршоҳидович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири ўринбосари.

Мирбобоев Абзал Умарович — «Узоптгалантерея» республика улгуржи базаси бўлим бошлиғи.

Морозова Екатерина Емельяновна — Сергели райпишчеторги 11-магазин сотувчиси.

Муслимов Фатхулла Тешабоевич — Октябрь райпишчеторги 9-магазин мудири.

Насриддинова Азиза — Чилонзор савдо маркази ишчиси.

Нигматов Носиржон — «Уздорресторан» трести аэровокзал ресторани ошпази.

Никитина Валентина Михайловна — Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Нуриева Галина Арсентьевна — Ҳамза райпишчеторги 22-магазин катта сотувчиси.

Рашидхўжаева Маҳмуда Ахроловна — Фрунзе райпишчеторги 10-магазин сотувчиси.

Руденко Михаил Григорьевич — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги бошқармаси бошлиғи.

Саенко Антонина Павловна — «Узоптбакалея» республика улгуржи конторасн бакалея бўлими бошлиғи.

Стариков Анатолий Бенционович — «Ташпромторг»га қарашли 16-магазин секция мудири.

Тоғаев Ғайрат Хаитович — Ўзбекистон ССР савдо министрлиги Тошкент профессионал савдо билим юрти директори.

Убаев Рахматилла — Киров ошхоналар трести 9-ошхона ошпази.

Усмонов Мираброр Зуфарович — Тошкент ресторанлар трести директори.

Филяев Иван Савельевич — «Узхладоторгмонтаж» трести Тошкент ихтисослашган ремонт-монтаж бошқармаси бош инженери.

Хўжаберганов Жўра Латипович — Фрунзе савдо маркази секция мудири.

Чижова Валентина Сафроновна — Тошкент музхонасининг музқаймоқ цехи қолипловчиси.

Шамсимуҳамедова Мухтабар Абдуқодировна — Собир Раҳимов ошхоналар трести 8-ошхона бош ошпази.

Шоҳбозов Жалол — халқ депутатлари Ҳамза район Совети ижроия комитети раиси, Тошкент шаҳри.

Йўлдошев Аҳмаджон Йўлдошевич — Тошкентдаги ўрта махсус кулинария билим юрти директори.

Юнанов Владимир Петрович — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги бўлим бошлиғи.

Юсупов Абдуқаҳҳор Абдусатторович — Тошкент Бош универмаги секция мудири.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Валеев Владимир Қосимович — «Узторгреклама» комбинати газ ёритгич цехи электр монтажчиси.

Зырянов Леонид Борисович — «Узторгстрой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бўёқчиси.

Иванова Галина Николаевна — «Узторгстрой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бўёқчиси.

Иногомов Хусниддин Мирхаётович — «Узхладоторгмонтаж» трести Тошкент ихтисослашган ремонт-монтаж бошқармаси слесарь-ремонтчиси.

Кондратов Эдуард Иванович — «Узхладоторгмонтаж» трести Тошкент монтаж-созлаш участкаси слесарь монтажчилар бригадири.

Ларси Александр Николаевич — «Узторгстрой» трести 1-монтаж бошқармаси дурадгори.

Пальчиков Евгений Павлович — «Узторгстрой» трести 1-механизация бошқармаси автокран машинисти.

Погарслова Галина Терентьевна — «Узхладоторгмонтаж» трести 2-тажриба-ремонт механика заводи цех электробмоткачиси.

Рязанова Нина Степановна — «Узхладоторгмонтаж» трести 2-тажриба ремонт-механика заводи цех электробмоткачиси.

Шорустамов Азиз Шобилолович — «Узторгреклама» комбинати савдо жиҳозлари цехи дурадгори.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонова Гулсора Мираминовна — «Таштекстильшвейторг» 19-магазин сотувчиси.

Обидова Ўғилой Мансуровна — Собир Раҳимов райпишчеторги 34-магазин катта сотувчиси.

Алимова Муҳаббат Собировна — «Узоптбакалея» республика улгуржи конторасн қадоқлаш корхонаси қадоқловчиси.

Алихўжаева Озод — «Ташпромторг»нинг 8-магазин катта сотувчиси.

Аҳмедова Ҳакима — Октябрь райпишчеторги 46-магазин сотувчиси.

Васильева Елена Антоновна — «Хизмат-беминнат» савдо фирмаси 7-магазин катта сотувчиси.

Власов Евгений Сергеевич — «Узторгстрой» трести бошқарувчиси.

Голубева Валентина Алексеевна — Октябрь ошхоналар трести 17-ошхона ошпази.

Далилова Муҳайё — Ташлимводторг Ленин савдо базаси 12-киоска сотувчиси.

Дементьев Виктор Яковлевич — республика ихтисослашган «Узспортторг» савдоси директори ўринбосари.

Деркачова Галина Михайловна — «Ёшлик» магазини секция мудири, Тошкент шаҳри.

Зоиров Қобилжон Ҳамидович — Фрунзе ошхоналар трести 8-ошхона мудири.

Зайнутдинова Муҳаббат — Ҳамза ошхоналар трести 4-ошхона ошпази.

Ивлева Пелагея Степановна — Куйбишев райпишчеторги 72-магазин катта сотувчиси.

Калета Лилия Ефремовна — Ҳамза райпишчеторги 7-магазин мудири.

Калюжний Григорий Матвеевич — «Узторгстрой» трести 1-монтаж бошқармаси дурадгори.

Комилов Ўткир — Тошкент ресторанлар трести тайёрлов фабрикаси қандолатчиси.

Каримова Мукаррам — «Ташплодоовощ» бирлашмаси 4-омборхона ишчиси.

Қосимова Хури Тешабоевна — Киров райпишчеторги 19-магазин катта сотувчиси.

Костилева Зоя Михайловна — «Гастроном» Ўзбекистон республика конторасн 30-магазин сотувчиси.

Маҳкамова Қулайша — Ленин райпишчеторги 2-магазин катта сотувчиси.

Маҳмудов Нурилла Музаффарович — Чилонзор ошхоналар трести 10-ошхона ошпази.

Мирзааҳмедов Карим Ҳамидович — Фрунзе райпишчеторги 29-магазин катта сотувчиси.

Мирхонов Мирабдулла — Ташкомиссионторг 17-магазин мудири.

Мусаев Абдубоқи Ахатович — Киров ошхоналар трести 12-ошхона ошпази.

Мухина Зинаида Николаевна — «Узобувторг» Тошкент область улгуржи савдо базаси катта товароведи.

Нагдасева Зоя Дементьевна — Ўзбекистон ССР савдо министрлиги етакчи экономисти.

Осипова Раиса Сергеевна — Собир Раҳимов ошхоналар трести 14-ошхона ошпази.

Ревина Анастасия Павловна — «Уздорресторан» трести Тошкент вагон ресторанлари корхонаси қандолатчиси.

Смирнова Нина Александровна — йўл ресторанлари Тошкент станцияси буфетчиси.

Соколова Роза Андреевна — Ленин ошхоналар трести 5-ошхона ошпази.

Сичева Мария Кузминична — Тошкент ресторанлар трести «Гулнора» кафеси ошпази.

Ўрмонова Насиба — «Ташплодоовощ» бирлашмаси 11-магазин сотувчиси.

Федосеева Нина Севостяновна — Сергели ошхоналар трести 1-ошхона ошпази.

Холиқов Нурмат Соатович — Чилонзор райпишчеторги 37-магазин мудири.

Йўлдошев Ҳабибулла Абдуллаевич — Ленин ошхоналар трести 1-кафе бош ошпази.

Юнусова Маҳсуда Ҳалиловна — Собир Раҳимов райпишчеторги 54-магазин катта сотувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурасулов Суннат — «Ташплодоовощ» бирлашмаси 4-магазин мудири.

Аляуддинов Ҳамза — «Узспортторг» Тошкент базаси катта омборчиси.

Орипова Маҳсума — Чилонзор райпишчеторги 2-магазин сотувчиси.

Арутюнова Валентина Ивановна — «Ташплодоовощ» бирлашмаси 1-магазин катта сотувчиси.

Очилова Жаҳон Эрматовна — Фрунзе ошхоналар трести 10-ошхона ошпази.

Багриновская Александра Федоровна — Киров ошхоналар трести 2-ошхона қандолатчиси.

Базильева Клавдия Семёновна — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги бош экономисти.

Бессчетнова Елена Александровна — «Узторгодежда» Тошкент областлараро улгуржи конторасн омборхона қабул қилувчиси.

Гордеева Анна Васильевна — Октябрь ошхоналар трести 3-ошхона ошпази.

Духанина Анна Прокофьевна — «Уздорресторан» трести Тошкент йўл-ресторанлари ошпази.

Ешкова Зинаида Вениаминовна — Киров ошхоналар трести парҳез ошхонаси ошпази.

Замонбеков Рихсибек Олимбекович — Ташхозкультторг 10-магазин филиали мудири.

Зухурова Соҳиба Хўжаевна — Ленин ошхоналар трести 3-ошхона қандолатчиси.

Исматов Ҳикматулла — «Уздорресторан» трести аэровокзал ресторани ошпази.

Исҳоқова Мамлакат — Ташобувьторг 11-магазин катта сотувчиси.

Калонов Тўлаган — «Шуҳрат» магазини катта сотувчиси, Тошкент шаҳри.

Кривовяз Михаил Абрамович — «Ташплодоовощ» бирлашмаси бўлим бошлиғи.

Лаврова Валентина Ивановна — Акмал Икромов ошхоналар трести 4-ошхона ошпази.

Лутфуллаев Бахтиёр Каримович — Куйбишев ошхоналар трести 4-ошхона бош ошпази.

Мирзаева Анвара Файзураҳмоновна — Ташгосснабторг 3-магазин мудири.

Миркомилов Мирсобир Мирқодирович — халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Норматова Жаҳон — «Ташплодоовощ» бирлашмаси 6-омборхона ишчиси.

Нуждина Зинаида Петровна — Ҳамза ошхоналар трести 9-ошхона ошпази.

Османов Худойберган — Ташобувьторг 23-магазин секция мудири.

Пўлатов Абдуманноп — Собир Раҳимов ошхоналар трести 5-ошхона бош ошпази.

Ражабова Тўхта Носировна — Куйбишев ошхоналар трести 33-ошхона ошпази.

Раҳимова Илдуза Хумушевна — Киров ошхоналар трести директорининг ўринбосари.

Раҳимхўжаева Саодат — Ташгалантерейторг 69-магазин катта сотувчиси.

Раҳмонова Мушарраф — Ташхлебторг 2-магазин сотувчиси.

Раҳматуллаев Ниғмат — Ленин райпишчеторги 7-магазин катта сотувчиси.

Саидова Насиба Раҳматовна — Тошкент Бош универмаги катта сотувчиси.

Сайфутдинова Мунира Сирожиддиновна — Фрунзе савдо маркази катта сотувчиси.

Саломаха Эдуард Димитриевич — Фрунзе ошхоналар трести 9-ошхона ошпази.

Satторов Воҳид — Таштекстильшвейторг 10-магазин катта сотувчиси.

Талалаева Любовь Петровна — «Чилонзор» савдо маркази секция мудири.

Туренко Зоя Семёновна — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети бўлим мудири ўринбосари.

Умарова Мамура Алимовна — Фрунзе ошхоналар трести 11-ошхона ошпази.

Файзибоева Раъно Ғофуровна — Киров райпишчеторги 16-магазин мудири.

Федотова Екатерина Григорьевна — Сергели ошхоналар трести 5-ошхона қандолатчиси.

Фомин Валерий Алексеевич — «Узторгреклама» комбинати бош энергетиги.

Хачина Галина Григорьевна — Акмал Икромов райпишчеторги 14-магазин бўлим мудири.

Черненко Александра Лаврентьевна — «Болалар дунёси» Тошкент универмаги секция мудири.

Шокиров Хусанхон Маннопович — Тошкент ресторанлар трести «Гулистон» ресторани ошпази.

Шухмина Галина Павловна — Ленин ошхоналар трести бўлим бошлиғи.

Йўлдошева Маҳбуба — Куйбишев райпишчеторги 5-магазин катта сотувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил 13 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Егорушкин Михаил Андреевич — «Промгражданстрой» трести 5-қурилиш участкасининг дурадгорлар бригадири.

Қосимов Қулпиддин Жўраевич — Промстройматериали» трести Бекобод ғишт заводининг директори.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ёқубов Холдор — В. Д. Журин номли Ўрта Осиё ирригациялаш илмий-тадқиқот институтининг директори.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Мельников Владимир Иванович — «Промстройматериали» трести Чиноз бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг қум-шағал заводи бульдозер машинисти.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Зубаирова Мингелсин — «Промгражданстрой» трести 103-кўчма механизациялашган колоннаси сувоқчиси.

Кузнецов Евгений Дмитриевич — «Союзгипрорис» институти бўлим бошлиғи.

Курдюмов Никифор Иванович — В. Д. Журин номли Ўрта Осиё ирригациялаш илмий-тадқиқот институти экспериментал ишлаб чиқариш корхонасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Маҳмудов Шуҳрат Маҳмудович — В. Д. Журин номли Ўрта Осиё ирригациялаш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири.

Тян Николай Осекович — «Промстройматериали» трести Чиноз бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг электр пайвандчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Науменко Владимир Петрович — «Промстройматериали» трести Бекобод ғишт заводининг экскаватор машинисти.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Антонов Вадим Игоревич — А. А. Саркисов номли «Средазгипроводхлопок» институтининг директори.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Далченко Галина Андреевна — «Средазгипроцеллинстрой» институти оператори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мусиюк Николай Яковлевич — «Главсредазирсовхозстрой» материал-техника таъминоти Тошкент базаси бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Яхёбоев Аҳмад Маҳмудович — «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Игнатов Владимир Михайлович — «Ирмонтажстрой» трести ишга тушириш ва созлаш бошқармасининг созловчи электромонтажчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Турғунов Қурбон — А. А. Саркисов номли «Средазгипроводхлопок» институти Тошкент экспедициясининг бурғиловчиси.

Юнусов Эркин Бердиевич — «Промстройматериали» трести ёғочни қайта ишлаш комбинатининг дурадгори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Иброҳимов Маҳамаджон Қулжонович — «Главсредазирсовхозстрой»нинг ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг слесари.

Мясников Александр Павлович — «Главсредазирсовхозстрой», «Оргтехстрой» тажриба экспериментал базасининг слесари.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 14 апрель.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДА ПРОГРЕССИВ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИДАН

Х. САЙДАЛИЕВА,
район партия комитетининг секретари

— КПСС XXVI съезди совет халқининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, сиёсий-ғоявий тарбияни кучайтириш, меҳнаткашларнинг активлигини ошириш бўйича кенг программа ишлаб чиқди. Бу программани ҳаётга тадбиқ этишда район партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари янги иш форма ва методларини қўлланмоқдалар.

Съезднинг идеология ишни таъсирчанлигини кучайтириш, уни қизиқарли, ишонарли қилиб, кундалик ҳаёт билан боғлаб олиб бориш керак деган тавсиясини изчиллик билан амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Тарбиявий ишни ташкил этишга комплекс ёндошиб, сиёсий-ғоявий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни меҳнаткашлар турли группаларининг ўзига хос доирасини ҳисобга олган ҳолда олиб бормоқдамиз.

Меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашда янги урф-одат ва анъаналарнинг ролини яхши тушунамиз. Чунки янгича маросимларга қатнашган киши ўзини халқ билан, коллектив билан бирга эканлигини ҳис этади ва жамият олдида шахсан жавобгарлигини чуқурроқ билади. Шунинг учун ҳам биз умумдавлат, инқилобий байрамларга бағишланган саналарни зўр кўтаринки руҳ билан ўтказмоқдамиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлик куни, Конституция куни байрамлари шулар жумласидандир. Яқинда нишонланган Улуғ Ғалабанинг 36 йиллиги ҳам кекса-ю—ёш ҳамманинг эсида қоладиган тарзда нишонланди.

Меҳнат коллективларимиз ишлаб чиқариш донгдорлари билан учрашувлар ташкил этишда яхши тажриба тўпладилар. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг донгдор сут соғувчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова, КПСС XXVI съезди делегати Волида Муҳаева, Ленин ордени кавалери моҳир пиллакор Назми Исмоилова (Навоий номли колхоз) ва бошқалар билан бўлган учрашувлар унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Районимизда ишчи касбларини байрами ҳам яхши тантаналарга айланмоқда. Биз шонли меҳнат эстафетаси оталардан болаларга қандай ўтиб келаётганлигини қизиқарлироқ, ёркинроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Шу кунларда мактабларда ўқишлар тугаб, 4 мингдан ортиқ йигит-қиз ишлаб чиқаришга келиб қўшилиш арафасида турибди. Ишчилар синфига қабул қилишни тантанали ўтказишни пухта ўйлаб кўришимиз керак. Бу тадбир қанчалик яхши ташкил этилса, ёш кадрлар ғамхўрлик билан қуршаб олинса, улар коллективга шунчалик меҳр кўйиб, қисқа вақт ичида ўз касбларининг эгаллаб оладилар, корхоналари шон-шуҳратини ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қиладилар.

Меҳнаткаш инсоннинг юбилейини нишонлаш ҳам партия ташкилотларимиз учун яхши анъана бўлиб қолди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғуломаҳмуд Абдуллаевнинг 70 йиллик юбилей кечаси кўпчиликнинг эсида. Узоқ йиллар ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилган отахоннинг тўйи жуда файзли, мазмунли ва қувноқ ўтди. Бу хил тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта, албатта.

Районимизда ёшларга янги паспорт топшириш маросимига ҳам янгича мазмун бағишланмоқда. Кейинги беш йил ичида 60 мингга яқин фуқаронга янги паспорт топширилди. 200 марта бу маросим зўр тантана билан нишонланди. Бу тантаналарда район партия ва совет, касаба союз ва комсомол активлари фаол қатнашдилар.

Яқинда область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими Тошкент районида меҳнаткашлар турмуш маданиятини оширишда прогрессив урф-одат ва маросимларнинг ролига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказди. Конференцияда район партия комитетининг секретари Х. Сайдалиева «Янги урф-одат ва анъаналар — ҳаётимиз кўрки» мавзуида доклад қилди.

Конференцияда, шунингдек Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори, профессор А. П. Қаюмов, «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари С. Мусаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири фалсафа фанлари кандидати Н. Сандовнинг докладлари ҳам тингланди.

Конференцияда прогрессив урф-одатларни жорий этиш бўйича районда олиб борилаётган катта ишлар юзасидан тажриба алмашилди. Шу ҳақда Ҳасанбой қишлоқ Советининг раиси Ш. Қозоқбоев, район комсомол комитетининг иккинчи секретари Л. Зимина, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг маданий-маиший ишлар бўйича раис ўринбосари Д. Йўлдошева ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Конференция давомида қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Янги урф-одат ва маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов конференция ишига якун ясади.

Конференцияда Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими лекторлар группасининг раҳбари Р. Т. Турсунов, янги урф-одатлар ва маросимларни тарғиб қилиш ва турмушга жорий этиш область Советининг секретари М. Жавҳаров қатнашдилар.

Қуйида конференция қатнашчиларидан айримларининг сўзлари билан танишасиз.

Кенг жамоатчилик, қишлоқ Советлари, маҳалла комитетлари никоҳ маросимларини ҳам шундай тартибли, сермазмун ва чиройли ўтишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бизнингча, янги оила бунёд этилишига бағишланган тадбирлар, қишлоқ Советида бўладими, ЗАГС биносидами, колхоз клубидами қаерда ўтмасин, оддий ва самимий, камчиқим, ўтмиш сарқитларидан холи бўлиши керак.

●

Д. ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг маданий ишлар бўйича раис ўринбосари

Қаерда одамларнинг меҳнати ва турмуш шароитлари ҳақида яхшироқ ғамхўрлик қилинаётган бўлса, ўша ерда доим катта зафарларга эришилмоқда, кишиларнинг турмуш маданияти юксалмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, колхозларда хўжалик раҳбарларининг маданий ишлар бўйича ўринбосарлари лавозимининг тайинланганлиги жуда катта воқеадир. У қишлоқда маданий турмушни яхшилаш, маданий қурилишларга конкрет раҳбарлик қилишда янги имкониятлар яратди.

Бизнинг колхозимиз қишлоқлари ҳам бугунги кунда шаҳарлар чиройидан қолишмайди. Колхозчиларимиз ҳамма қулайликларга эга бўлган кўркам турар-жойларда истиқомат қилишяпти. Унлаб маданий-маиший объектлар дала меҳнаткашлари хизматида. Сабзавоткорларимиз, чорвадор ва боғбонларимизнинг бугунги фаровон ва маданий турмушини ҳатто бундан бир неча ўн йил бурунгисига ҳам қиёслаш қийин.

Лекин ҳаётда қўлга киритилган бу ютуқлар билан чегараланиб бўлмайди. Меҳнаткашлар турмуш маданиятини янада юксалтириш борасида олдимизда ҳали катта вазифалар турибди. Колхозимизда маданий қурилишга эътиборни янада кучайтириш, аҳоли турмушига янги урф-одатлар ва анъаналарни чуқурроқ сингдириш, ёшларимизни коммунистик рухда тарбиялаш ва уларни дала меҳнатига илҳомлантириш ва бошқалар шу куннинг муҳим вазифаларидир.

Колхоз правлениеси билан келишилган ҳолда бу янги беш йилликда амалга оширилдиган комплекс маданий тадбирлар программасини ишлаб чиққанмиз. Бу программани муваффақиятли амалга ошириш дала меҳнаткашларимиз маданий турмушини янги юксак поғонага кўтаради.

●

Л. ЗИМИНА,
район комсомол комитетининг иккинчи секретари

Районимиз комсомол ташкилоти ёшлар ўртасида янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш ва турмушга тадбиқ этиш бўйича каттагина ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ишчи синфини шарафлашдек гўзал анъана районда чуқур тарқиб топмоқда. Бундай маросим тажриба ремонт-механика заводи ва «Средазсельхозмаш»нинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотларида қизиқарли ва мазмунли ўтказилмоқда. Бу коллективлардаги ҳар уч мутахассиснинг бири, ёш ишчи вакили ўз меҳнат биографиясини ана шу тарзда бошлаган.

Район комсомол комитети район ЗАГСи билан ҳамкорликда ёшларнинг тўйларини ўтказишга катта эътибор бериб келмоқда. Комсомол тўйларининг сони йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, 1978 йилда расмийлаштирилган 961 никоҳдан 890 тасида, 1979 йили 1012 никоҳдан 950 тасида, 1980 йилда эса 1012 никоҳдан 980 тасида ёшлар комсомол тўйларини нишонладилар.

Карл Маркс номли колхоз комсомол ташкилотининг фаолияти, айниқса диққатга сазовор. Бу ерда комсомоллар ёш аёллар билан ишлаш Совети билан ҳамкорликда 1980 йилдан бошлаб «Қизлар давраси» клуби кечаларини ўтказиб келмоқдалар. Бу кечаларда колхоз комсомол комитети барча аъзолари актив иштирок этмоқда. Мазкур клубда ўтказилаётган кўпдан-кўп давраларнинг мазмун-мундарижаси ҳам ёшлар ҳаёти ва меҳнатини тараннум этади. «Қизлар давраси» клубига 30 дан зиёд қиз бирлашган.

Районимиздаги 9, 11, 22, 23-мактабларда фаолият кўрсатаётган қизлар Советларининг иши ҳам изчил йўлга қўйилган.

Мактаб ўқувчи-ёшлари ўртасида атеистик пропаганда ишлари олиб боришга алоҳида аҳамият берилаётир. Райондаги кўпгина мактабларда «Дин ва хурофот», «Келажак ҳақида ўйлар», «Бахт ҳақида баҳс» каби тематик стендлар жиҳозланган. Атеизм мавзуида ўқилаётган лекция ва суҳбатларнинг сони ортиб бормоқда. Жойларда район комсомол комитети штатсиз лекторлар группасининг аъзолари мазмунли лекциялар билан чиқмоқдалар. 1980 йили шу йўл билан 35 лекция ўқилди. Район комсомол комитети район «Билим» жамияти билан ҳамкорликда янги урф-одатлар ва маросимлар юзасидан ҳам қатор лекциялар уюштирди.

Шу билан бирга ёшлар турмушига янги урф-одатлар ҳамда маросимларни сингдириш ва пропаганда қилиш борасидаги фаолиятимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, район миқёсида ёшлар талаб-эҳтиёжларини ўрганиш бўйича бироната иш қилингани йўқ. Ваҳоланки, Тошкент область комсомол комитетининг III пленумида бу хусусда жиддий гаплар ўртага ташланган эди.

Бундан кейинги фаолиятимизда жойлардаги комсомол ташкилотларининг хўжаликлардаги конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олиб ишлашларига, жамоатчи ташкилотлар билан яқин алоқада фаолият кўрсатишларига эришишимиз керак. Совет турмуш тарзини пропаганда қилувчи лекция ва суҳбатлар ўтказишнинг янги формаларидан самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Пионерлар уйи, район кутубхоналари ва бошқа муассасаларда атеистик тарбия ишларини янада жонлантиремиз. Районда «Ёш оила» клуби ташкил этамиз.

●

О. ОДИЛОВ,
19-мактаб директори

— Биз педагоглар зиммасига ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш, уларда коммунистик жамият кишисига хос гўзал сифатлар, яхши фазилат ва одатларни шакллантиришдек муҳим вазифалар юкланган.

«Совет киши, — деган эди Л. И. Брежнев, — бу ҳалол меҳнаткаш, юксак сиёсий маданиятга эга инсон, ватанпарвар ва интернационалистдир. Уни партия, мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихи, бутун тузумимиз тарбиялаб етиштиради». Ана шу юксак инсоний фазилатлар, совет кишиларига хос маънавий тўлақонлилик аввало мактабдан шакллана бошлайди.

Ёш авлодни тарбиялашдек улуғ масъулиятни чуқур ҳис қилган мактабимиз педагоглари қишлоқ меҳнаткашлари ва ёшларимиз ўртасида тариҳан ва Октябрь инқилобидан сўнг шаклланган илғор ва янги урф-одатларни фаоллик билан тарғиб қилиб келмоқдалар.

Ёшларимизни революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш юзасидан мактабимизда ўтказилаётган турли байрамлар, учрашув ва кечалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай учрашувларга мактаб Қизил изтопарлари олдиндан катта тараддуд кўрадилар. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фронти қаҳрамонлари ҳаётини чуқур ўрганадилар. Қишлоғимиздан фронтга кетиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган Д. Бозоров, М. Кургабоевлар, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сами Абдуллаев ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари Саъди Раҳматуллаев, Тоҳир Қосимов, Комил Тошпўлатов, Жўра Рустамов, Маҳкам Алиевлар ҳаётини ўрганиб ўтказилган учрашув кечалари ҳануэгача ҳамманинг хотирасида.

Мактабимизда бундай учрашувлар тез-тез бўлиб туради. Улар ҳақида фотостендлар, кинолавҳалар тайёрлаймиз.

Мактабимизда кекса педагогларни пенсияга узатиш тантаналари кўпдан анъанага айланиб қолган. Яқинда педагогларимиздан А. Суҳбатуллаев, А. Акбархўжаев, Б. Каримов, Т. Қосимов, К. Тошпўлатовларни пенсияга узатиш кечаси катта тантана билан нишонланди. Бундай кечаларга область, район халқ маорифи бўлимларидан, район партия комитетидан, қўшни мактаблардан меҳмонлар, педагоглар ва мактабни битириб кетган собиқ ўқувчилар таклиф этилди. Кеча хотира учун киноленталарга туширилди. Пионерларимиз маорифимиз кекса жонкуярларини қизғин табриклаб, уларни фахрий пионерликка қабул қилишди.

Ғоят маромли ўтган бу кечанинг ўзига хос томони шундаки, унда бутун ҳаётини маърифат йўлига бахшида этган кекса авлод вакилларининг узоқ йиллик шарафли меҳнатига муносиб баҳо берилди.

Мактабимиз педагоглари колхоз меҳнаткашлари ўртасида янги анъаналарни кенг тарғиб этмоқдалар. Улар тўйларимизни диний хурофотлардан холи, қувноқ ва маънавий завқ бағишлайдиган қилиб ўтказишга бош-қош бўлмоқдалар.

●

Ш. ҚОЗОҚБОЕВ,
Халқ депутатлари Ҳасанбой қишлоқ Совети раиси.

Аҳоли турмуш маданиятини ўстириш, янги маросимларни турмушга актив жорий этиш мақсадида қишлоқ Совети ҳузурида алоҳида Совет ҳам тузилди. Советга қишлоқ активларидан 9 киши аъзо бўлиб кирган. Улар қатъий план асосида ишламоқдалар.

Ўтган йил июль ойида «Янги анъаналар турмушга» деган мавзуда катта йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда 200 дан ортиқ депутат, маҳалла активлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Йиғилишда филология фанлари кандидати Ғани Жаҳонгиров тўйларни ихчам, камчиқим ва чиройли қилиб ҳеч бир исрофгарчиликсиз маданий ўтказиш юзасидан доклад билан чиқди. Ушбу мажлисда чунончи, жойларда тўй комиссияларини тузиш ҳақида бир қарорга келинди.

Ҳозир деярли ҳамма маҳаллаларимизда тўй комиссиялари тузилган. Вақти-вақти билан уларнинг иш тажрибалари ва ҳисоботлари қишлоқ Совети сессияларида эшитиб ва муҳокама қилиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, тўй комиссияларининг тузилиши маросимларни кўнгилдагидек ўтказишда маълум тартиб-қоидага риоя қилиш имконини яратди. Бир мисол: ҳамкишлоғимиз Қаҳрамон она, моҳир пиллакор Шарифа ая Содиқова бир кунда уч ўғлига келин туширди. Бу тўй гоятда ширин ва чиройли ўтиши билан бир қаторда ортиқча ҳаражатларга чек қўйилди.

Қишлоқ Совети биносида «Бахт хонаси» ташкил этганмиз. Бу ерда ёшларимизнинг никоҳдан ўтишдек бахтли онлари таъсирли, тантанали ва умр бўйи эсда қоларли қилиб нишонланмоқда. Бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш никоҳдан ўтгач, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамкишлоқлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнига борадилар. Ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйиб, бир-бирларига абадий содиқ бўлиб яшашга аҳд-паймон қиладилар.

Қишлоғимизда ёшларнинг маданий дам олишлари, туғилган касб ва ҳунар эгаси бўлиб етишишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган. Ҳозир қишлоқ Советимиз қошида бичиш-тикиш, машинистлик, бадиий ҳаваскорлик тўгарак ва курслари ишлаб турибди. Машғулотларга юздан ортиқ ёш йигит-қиз қатнашмоқда.

Кейинги йилларда қишлоғимиз жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Янги бунёдкорлик ишлари кенг кулоч ёзган. Яқин келажакда Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Кенсой бўлимида 300 ўринли ёзги кинотеатр, медпункт, таянч пункти, замонавий шинам чойхона, Ильич номли колхознинг 2-участкасида кутубхона, магазин, сартарошхона комплекси ишга туширилади. Ҳасанбой қишлоқ касалхонаси учун 60 ўринли янги пилловаб бино қурилмоқда. 140 ўринли боғча, янги маиший хизмат уйи ҳам яқин ўртада аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.



Фарабундо Марти номли Сальвадор миллий озодлик фронти ҳукмрон хунта жангчиларига қарши қуролли курашни тобора авж олдирмоқдалар. Маҳаллий аҳолининг кўмагида партизанлар душманга катта талофат етказмоқдалар. Сурат да: миллий озодлик фронти жангчиларидан бир группаси.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

Чет эл Хабарлари

СОВЕТ ТАКЛИФЛАРИ ИЖОБИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

БАЙРУТ, 8 июнь. (ТАСС). Араб мамлакатлари иттифоқининг бош секретари Ш. Клиби Яқин Шарқ масаласи юзасидан барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан Фаластин Озодлик Ташкилотининг иштироки билан халқаро конференция чақириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев илгари сурган Совет таклифлари ижобий характерга эга эканлигини таъкидлади. У Байрутда чиқадиган ҳафталик «Манди морнинг» газетасида босилган суҳбатида регионда адолатли ва мустаҳкам тинчликка эришишга қаратилган тадбирларни табриклади.

Ш. Клиби Исроилнинг арабларга нисбатан агрессив экспансиячилик йўлини ва унинг регионда кескинликни кучайтириш учун Сурия—Исроил «ракета тангликлиги» деб аталган. «тангликлик»дан фойдаланишга интилаётганлигини қоралади. Маълумки, Ливанда тинчлик сақловчи араб мамлакатлариаро кучларни ҳимоя қилиш учун Сурия томонидан бу мамлакат территориясида жойлаштирилган зенит ракеталари Исроил учун бир баҳона бўлди. Исроилнинг Ливанга ҳужум қилиш ва Ливан шаҳарлари, қишлоқлари ҳамда Фаластин қочоқлари лагерларига зарба бериш «ҳуқуқи»ни олиш ҳақидаги даъволари, деди Ш. Клиби, рўй берган кескинликка сабаб бўлди.

У Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқ можаросида Исроилни тамомила қўллаб-қувватлаётган позицияларига тўхталиб, бундай деди: араб мамлакатлари иттифоқи АҚШга қаратилган бир қанча талабларни ишлаб чиқди. Вашингтон бундан буён ҳам Тель-Авивни қўллаб-қувватлайвераркан бу талабларнинг амалга оширилади.

ХИЁНАТКОРЛИК ҲАРАКАТИ

БАҒДОД, 8 июнь. (ТАСС). Ироқ революцион қўмондонлиги кенгашининг бугун бу ерда берган баёнотида хабар этилишича, 7 июнь маҳаллий вақт билан соат 18 дан 37 минут ўтганда Исроил самолётлари Ироқнинг ядро объектларига зарба уриш мақсадида Бағдодга ҳужум қилган.

Баёнотда ҳужумнинг оқибатлари ва ядро комплексининг шикастланиш даражаси ҳабар қилинмаган.

ВАШИНГТОН, 8 июнь. (ТАСС). АҚШ давлат департаменти эълон қилган баёнотда Исроил кеча Р. Рейган маъмурлигини Ироқдаги атом реакторига осмондан ҳужум қилганидан хабардор этганлиги айтилади. Давлат департаментининг вакили Д. Фишернинг уқтиришича, олинган маълумотларга қараганда, Исроил Ироққа ҳужум қилиш учун Қўшма Штатлар юборган самолётлардан фойдаланган.

Оқ уй матбуот секретарининг ўринбосари Л. Спикс Исроилнинг осмондан Ироққа ҳужум қилганлиги тўғрисида президент Р. Рейганга хабар берганлигини тасдиқлади.

НЬЮ-ЙОРК, 8 июнь. (ТАСС). Жаҳон ҳамжамияти Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг Ироқдаги ядро объектларига вахшиёна ҳужум қилганлиги тўғрисидаги хабардан жуда қаттиқ ташвишга тушди. К. Вальдхаймнинг расмий вакили журналистларга БМТ Бош секретари шу ҳужум билан боғлиқ бўлган хабарларни эшитиб, жиддий ҳавотирликка тушганлигини айтди.

ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИКЛАР

ЛУАНДА, 9 июнь. (ТАСС). Ғайри қонуний равишда оккупация қилиб турилган Намибия территориясидан ҳаракат қилаётган Жанубий Африка Республикасининг армияси Ангола Халқ Республикасига қарши қуролли иғвогарликларни давом эттирмоқда.

26 майдан 3 июнгача бўлган давр ичида ирқчилар Ангола гражданларидан 31 кишини ўлдирганлар, 36 кишини жароҳатлаганлар, деб хабар берилади Ангола Халқ Республикаси мудофаа министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида.

26 май куни ЖАР қўшинлари Кахама—Шангонго йўлига вертолётда десант тушириб, йўлга миналар жойлаб қўйди. Ангола халқ озодлик қўролли кучларининг машинаси шу миналарга дуч келиб, портлаб кетди ва икки йўловчи жароҳатланди. 27 май куни ирқчилар Ниживадан 27 километр наридаги кўприкни портлатдилар ва унга бориш йўлига миналар жойлаб, пистирмада пойлаб турдилар. Шу иғвогарлик натижасида анголаликлардан уч киши жароҳатланди ва бир киши Намибияга ўтиб кетилди. Ўша куннинг ўзида Шангонго—Монгва йўлидаги туннел портлатилди. 30 майдан 2 июнгача жанубий Африканинг самолётлари Шангонго, Ньживадаги ва Ньжива—Монгва йўлидаги автоколонналарни ўққа тутди, натижада 31 киши ҳалок бўлди ва 28 киши жароҳатланди, деб уқтирилади баёнотда.

СОФИЯ, 9 июнь. (ТАСС). ЖАРнинг эркин ва суверен Анголага қарши агрессив ҳаракати қўчайганлиги Африкадагина эмас бутун дунёда ҳам тинчлик ва хавфсизликка жиддий хатар солмоқда, дейилади Болгария Батан фронти миллий кенгашининг баёнотида. Жанубий Африка ирқчиларининг иғвогарликлари учун ҳарбий соҳада Претория режими билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган империалист ва милитарист доиралар, аввало АҚШ жавобгардир, деб уқтирилади ҳужжатда.

Болгария жамоатчилиги, дейилади ҳужжатда, апартеид режимига қарши тўла ва ҳар томонлама жазо чораларини ҳеч кечиктирмай қўлланиш керак деб ҳисоблайди, ирқчиларнинг Намибия территориясини ғайриқонуний равишда оккупация қилинишини тўхтатишни талаб қилади.

НАВБАТДАГИ СУД МАЖЛИСИ

ҚОҲИРА, 9 июнь. (ТАСС) Миср пойтахтида оппозиция вакиллари устидан навбатдаги суд тайёрланмоқда. Газеталарнинг хабарларига кўра, маъмурлар яқин кунларда чет эллардан ташкил этилган Миср ватанпарварлик фронти раҳбарларидан бир группасини сиртдан суд қилишни мўлжалламоқда. Улар орасида фронт бош секретари, Миср қуролли кучлари бош штабининг собиқ бошлиғи Саъддиддин аш-Шазли, собиқ министрлар Абдул Магит Фарид ва Ҳикмат Абу Зайд, Миср коммунистик партияси марказий комитети сиёсий бюросининг аъзоси Мишель Комил ва бошқа таниқли арбоблардан 19 киши бор.

Мана шу кишиларнинг ҳаммасини ҳозирги режим сиёсий йўлидан норозилик, 1952 йилда империализмга қарши революция вазифаларига ва идеалларига садоқат бирлаштирган. Фронт ўтган йилнинг март ойида ташкил этилган эди. Унинг қатнашчилари Кэмп-Дэвид битимига қарши чиқиб, Исроил билан тузилган сепарат «сулҳ шартномеси бекор қилинишини, Миср АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатлар муҳосара қилаётганлигига чек қўйилишини, мамлакатнинг араблар дунёсидаги позицияларн тикланишини талаб қилмоқдалар.

Маъмурлар маҳаллий оппозицияга қарши пропаганда кампаниясини анча активлаштириб юборган бир пайтда Қоҳирада ана шундай суд ғайраноги режалаштирилмоқда.

ҚОНХЎР ДИКТАТУРАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 9 июнь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Гватемалада ҳар куни рўй бераётган қонли жиноятларни кўриб кўрмасликка олиб, бу мамлакатдаги Лукас Гарсиянинг зулмкор режимига ҳомийлик қилмоқда. БМТнинг Эн-Би-Си телекомпанияси орқали эълон қилинган маълумотларга қараганда 1978 йилдан бери диктатор қўшинлари, шунингдек режим хизматида турган ўнг газандаларнинг гуруҳлари 5 мингдан кўпроқ кишини ўлдирдилар.

Вашингтон ўз гумаштасига кенг миқёсда ҳарбий ва иқтисодий мадад бериб, биринчидан марказий Америкада АҚШ сиёсатини ўтказувчи диктаторни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва иккинчидан, Гватемаланинг табиий бойликларини қўлга киритиб олишдан иборат икки ёқлама мақсадни кўзламоқда.

Қонхўр диктатор Лукас Гарсиани ҳокимият тепасида сақлаб қолишга интилаётган АҚШ маъмурияти Гватемалага берилаётган ҳарбий ёрдамнинг ўзини 1981 молия йилида 10 миллион долларгача ва келгуси молия йилида 20 миллион долларгача кўпайтиришга қарор қилди.



Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасини эслаш яхши анъанага айланган. Сурат да: (ўнгда) районда ўрнатилган қаҳрамонлик ёдгорлиги ёнида. (чапда) Ҳасанбой қишлоқ Советида ветеранлар кенгаши.

С. Ҳожиев фотолари.



Тошкент авиасозлар маданият саройи қошидаги «Парвоз» ансамбли қатнашчилари пионер лагерларида, авиасозларнинг ёзги дам олиш жойларида концертлар қўйиб берадилар. Суратда: (чапдан) Г. Наримонова, Э. Муллажонова, Г. Раҳимова, Г. Шонсломова ва М. Юмуротовалар машғулот пайтида. В. Сироткин фотолари.

„САЙЁРАДАН КЕЛГАН БОЛАЛАР“

«Ҳурмат белгиси» орденли Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри репертуари яна бир янги саҳна асари билан бойиди. Театр коллективи қардош республикалар драматургияси фестивалига бағишлаб эстон драматурги Дагмар Норметнинг «Юмповаарн» асарини саҳналаштирди. Ушбу спектаклда театрнинг ёш, истеъдодли санъаткорлари қатнашмоқда. Булар Исмоил Абдуллаев, Дилбар Абдулазизова, Бахтиёр Хожиметов, Мўътабар Ёриева ва бошқалардир. Спектакль бозагини театрнинг бош рассоми Анатолий Чернов яратди.

— Ушбу асар фантастик руҳда ёзилган бўлиб, бошқа сайёрадан тушган болалар билан Ердаги болалар ўртасидаги дўстлик тараннум этилади, — дейди театр режиссёри Омон Шарипов. — Биз бу янги саҳна асарини ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида, пионер лагерларида, турли дам олиш зоналарида намойиш этамиз.

Театр коллективи ёзги дам олиш мавсумига атаб янги репертуар тузди. Санъаткорлар ўз спектаклларини республикамизнинг бошқа областларида ҳам намойиш этадилар.

А. АЛИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

июнь ойида

„ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ“

Янги бадиий фильмини

Тошкент область шаҳарлари ва районларидаги кинотеатрлар экранларида намойиш қилади



Сценарий автори — Артур МАКАРОВ.

Постановкачи режиссёр — Латиф ФАИЗИЕВ.

Постановкачи-оператор — Даврон АБДУЛЛАЕВ.

Ролларни ижро этадилар: Налимов — Тимофей СИВАК, Сицков — Михаил КУЗНЕЦОВ, Дилбар — Тамила АҲМЕДОВА, Бернс — Гирт ЯКОВЛЕВ ва бошқалар.

Фильм саргузашт жанрида яратилган.

XIX асрнинг 30-йиллари. Поручик Налимов Россиянинг дўстлик ва ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги таклифи билан Афғонистон амири ҳузурига юборилган. Кичик отряд ўз сафарининг асл мақсадига етиб олгунга қадар қатор хавфли тасодифларни бошидан кечиради. Налим Қобулда Британия разведкасининг резиденти Бернс билан танишиб қолади. Ана шу Бернснинг ўзи кейинчалик Петербургда шон-шуҳратсиз дуэль ташқил қилади ва бу тўқнашувда Налимов ҳалок бўлади. Лекин инглиз разведкаси Афғонистон билан Россия ўртасида яхши муносабатларнинг ўрнатилишини барбод қилишнинг уддасидан чиқолмайди.

«УЗБЕКФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Тошкент шаҳридаги 2-пойабзал фабрикаси базасидаги

149-шаҳар ҳунар-техника билим юрти

1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: пойабзални бичувчи (чарм пойабзалларни ишлаб чиқариш бўйича), пойабзалнинг юза қисмини тайёрловчи, якка буюртмалар бўйича пойабзал тикувчи, мўйнадўз-бичувчи, ремонтчи-слесарь, тикувчи-мотористка.

8 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар учун ўқиш муддати 2 йил, ўрта маълумотлилар учун 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ИШЧИ-ЁШЛАР МАКТАБИ МАВЖУД.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар, 8 синфни битириб кирганлар эса давлат таъминотида (кунига — уч маҳал овқат ва кийим-бош) бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента берилади.

Билим юртида бичиш ва тикиш, тўқиш, вокаль-чолғу, кино-фото тўгараклари ҳамда спорт секцияларн ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, соғлиғи тўғрисидаги справка, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси 199-уй (16, троллейбус, 123-автобуснинг «Домбробод» бекати, метронинг Собир Раҳимов станцияси). Телефон 76-77-45.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ОЛИМЛАР ТАШРИФИ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультети Оржоникидзе районидаги Ойбек номли 2-ўрта мактабни ўз ҳомийлигига олган. Яқинда институт СССР тарихи кафедрасининг бир группа ўқитувчилари ана шу мактабга ташриф буюрдилар. Улар мактабда тарих фанининг ўқитилиши, ўқувчиларнинг шу фан юзасидан олиб бораётган мустақил ишлари билан танишдилар. Сўнг кафедра ўқитувчилари, мактаб педагогик коллективи ва аълочи ўқувчилар иштирокида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди материалларини пропаганда қилиш мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияда институт доценти М. Тошмуҳамедов КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишдаги вазифалар ҳақида доклад қилди. Институт доценти М. Азизованинг маърузаси эса Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига бағишланди.

Мактабнинг илмий бўлим мудири, тарих ўқитувчиси М. Мастонов съезд материаллари мактаб педагогик коллективи ва ўқувчилар томонидан қандай ўрганилаётганлиги ҳақида гапириб берди.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ,
«Коммунизм тонги» газетасининг ходими.

МАРКАЗЛАШИШ САМАРАСИ

Ўтган йили Бўка районидаги бир неча кутубхона марказлаштирилди. 1972—1980 йилларда Ленин қишлоқ Советига қарашли кутубхона фонди 3000 дан 5000 га, китобхонлар сони эса 321 дан 400 га ортган эди. Марказлаштириш тадбири амалга оширилгач, китоб фонди 6 мингдан ортиб, китобхонлар сони 551 кишига етди.

Кутубхонанинг кўчма филиаллари колхоз гаражи, сут-товар фермаси, болалар боғчаси ва дала шийпонларида ташкил этилган. Ўзбек Совет энциклопедиясининг 14 та томи, 1210 та сиёсий, 4000 дан ортиқ бадиий адабиётлар, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, медицинага оид китоблар кутубхона фондидан ўрин олган.

Ю. АНОРБОЕВ,
Бўка район, Ильич номли колхоз.

ЯНГИ КЎПРИК

Шу кунларда Паркент катта каналининг қурилиши кизғин давом эттирилмоқда. Канални бунёд этишда «Паркентводстрой» трестининг азамат қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Яқинда трестнинг Асқар Ўтамалиев бошлиқ 1-механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари Тошкент — Паркент магистраль йўлининг канал ўтадиган қисмида янги кўприкни қуриб битказишди. Бу хайрли ишда Паркент йўл қурилиш бошқармасининг ишчи ва хизматчилари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Грейдерчилардан Р. Усмоналиев, Ш. Ёқубов-ларининг меҳнатини алоҳида тилга олса арзийди. Кўприкнинг қуриб битказилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг шаҳар аҳолисига сифатли етказиб берилишида катта аҳамиятга эга.

Т. ДЎСТМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЭЛ ХИЗМАТИГА ШАЙМИЗ

Агар биз ўтган йилларга разм солсак, уларнинг ҳар бири совет кишиларининг шижоатли меҳнати, ижодкорлиги, партия режаларини амалга ошириш йўлидаги битмас-туганмас куч ва тайратнинг тимсоли сифатида тарих солномасидан муносиб ўрин олаётганига гувоҳ бўламиз. Бу социалистик тузум учун жуда қувончли ва табиий бир ҳолдир. Айни бир пайтда эришилаётган муваффақиятларнинг ҳаммаси одамлар саломатлигига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ соғлигини сақлашга ҳамиша эътибор бериб келмоқда, уни мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётир. Хусусан «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да бошқа тармоқлар билан бирга кишилар саломатлигини сақлашни ривожлантириш бўйича ҳам қатор тадбирлар белгиланди. Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, уларни дори-дармонлар, асбоблар, медицина техникаси ва ускуналар, анжомлар, транспорт ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш даражасини яхшилаш кераклиги таъкидланди. Касалликларнинг олдини олишга доир ишларни кучайтириш, диспансерларда даволаш самарадорлигини ошириш, аҳолига, айниқса болаларга медицина хизмати кўрсатишни юқори погонага кўтариш вазифалари қўйилди.

Пойтахт шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари, қатор министрликлар, идора ва ташкилотлар ёрдамида партия ҳамда ҳукуматимиз кўрсатмаларини тўла амалга оширишга интилмоқдалар. Бу борада олдинги йилларда орттирилган тажриба ва иш услуби қўл келмоқда. Шаҳар аҳолиси саломатлиги ҳақида гап борар экан, бу соҳага ажратилаётган моддий маблағнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Агар 1975 йилда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 61,3 миллион сўм ажратилган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 80,6 миллион сўмни ташкил этди. Жон бошига медицина хизмати кўрсатиш 31 сўмдан 45 сўмга кўтарилди. Деярли 8 миллион сўмлик медицина ашъяларини сотиб олинди. Айрим категориядаги беморларни даволаш учун маблағ ажратиш ҳам кўпайиб бормоқда.

Ҳамма соҳадаги каби медицинада ҳам ишнинг самарасини моддий-техника базасининг қай даражада мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётир. Хусусан «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да бошқа тармоқлар билан бирга кишилар саломатлигини сақлашни ривожлантириш бўйича ҳам қатор тадбирлар белгиланди. Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, уларни дори-дармонлар, асбоблар, медицина техникаси ва ускуналар, анжомлар, транспорт ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш даражасини яхшилаш кераклиги таъкидланди. Касалликларнинг олдини олишга доир ишларни кучайтириш, диспансерларда даволаш самарадорлигини ошириш, аҳолига, айниқса болаларга медицина хизмати кўрсатишни юқори погонага кўтариш вазифалари қўйилди.

Пойтахт шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари, қатор министрликлар, идора ва ташкилотлар ёрдамида партия ҳамда ҳукуматимиз кўрсатмаларини тўла амалга оширишга интилмоқдалар. Бу борада олдинги йилларда орттирилган тажриба ва иш услуби қўл келмоқда. Шаҳар аҳолиси саломатлиги ҳақида гап борар экан, бу соҳага ажратилаётган моддий маблағнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Агар 1975 йилда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 61,3 миллион сўм ажратилган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 80,6 миллион сўмни ташкил этди. Жон бошига медицина хизмати кўрсатиш 31 сўмдан 45 сўмга кўтарилди. Деярли 8 миллион сўмлик медицина ашъяларини сотиб олинди. Айрим категориядаги беморларни даволаш учун ҳам ишнинг самарасини моддий-техника базасининг қай даражада мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётир. Хусусан Тошкентда 400 ўринли ихтисослашган болалар шифохонаси, 500 беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиника фойдаланишга топширилди. 1 ва 15-касалхоналарнинг янги корпуслари қад кўтарди. Уларда кардиология, акушерлик-гинекология, пульмонология, хирургия, неврология бўлимлари ишга тушди. Чкалов номли авиация бирлашмасининг медицина санитария қисмида акушерлик-гинекология комплекси фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги пайтда соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг системасидаги врачлар 130 амбулатория, поликлиника муассасалари, 52 стационар орқали беморларга медицина хизмати кўрсатмоқдалар. Бу эса касалликларнинг олдини олишда қулайлик яратмоқда.

Шифокорлар қўлга киритган ютуқлардан энг муҳими инвалидликка мойил бўлиб бораётган беморларни яна сафга қайтаришдек нозик ишдан иборат. Бунинг учун врачлар олимлар билан биргаликда анча изландилар, шифо бахш этишнинг янги-янги шаклларини ўйлаб топдилар. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси ўтган беш йилликда кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни бир мунча юқори даражага кўтарди. Бақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ногиронлик ва хизматчиларнинг инвалидликка чиқишлари анча камайди. Халқ хўжалиги учун бу қанчалик аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Соғлиқни сақлаш ходимлари ҳозирги замон медицинасида энг биринчи муаммолардан бири бўлиб турган юрак-қон томир патологиясига эътиборни кучайтирдилар. Хусусан Тошкентда 12 та кардиология кабинети, йирик клиник касалхоналарда жадал терапия блокларига эга бўлган 5 та кардиология бўлими очилди. Бунинг натижасида юрак ҳасталикларини даволаш ишлари анча яхшиланди.

Шифокорлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юрак инфаркти касаллигига учраган кишиларга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Улар учун махсус санаторийларга йўлланмалар ажратилмоқда. Ўтган йили 445 бемор ана шундай йўлланма билан таъминланди. Бу яхши натижалар берди. Юрак инфаркти бўлган касаллардан 80 процента даволаниб, меҳнат қучоғига қайтди.

Бу ютуқлар шаҳарда аҳолига тўла талабдаги даражада медицина хизмати кўрсатилаяпти деган фикрга олиб келмайди, албатта. Биз партия XXVI съездида совет врачлари шаънига айтилган гапларни ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

— Биз врачларимиз, медицина ҳамширалари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа ходимларимизнинг ҳалол, фидокорона меҳнатини юксак қадрлаймиз, — деди Ўрток Л. И. Брежнев. — Шундай қилиш керакки, токи совет киши ҳамиша ва ҳамма жойда ўз вақтида малакали ва гамхўрона медицина ёрдамини оладиган бўлсин.

Шаҳримиз даволаш муассасаларининг коллективлари ўз ишларини ана шу кўрсатмалар асосида олиб бормоқдалар. Бу мақсадда ўн биринчи беш йиллик учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Келгусида бир сменада 3050 кишини қабул қила оладиган яна тўртта поликлиника, 40 кресло-ли битта стоматология поликлиникаси, 210 ўринли болалар касалхонаси, Собир Раҳимов районида 25 минг порцияли сут таомлари ошхонаси ва бошқа объектлар қурилади. 6-тугуруқхона ёнига яна 260 ўринли қўшимча хоналар қуриш кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими шифокорлар шаҳардаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан биргаликда атроф-муҳитни озода тутиш, табиатни муҳофаза этиш, яшил бойликларни кўпайтириш учун курашадилар.

Шифохоналар, поликлиникалар, амбулаторияларни зарур моддий-техника базаси билан таъминлаш янада яхшиланади. Соғлиқни сақлаш ходимларининг бутун ҳаракати шаҳар аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, кайфиятини чоғ этишга қаратилади.

К. ҚАҲҲОРБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ШАШКА. Минск шаҳрида ўтаётган халқаро турнир қизғин паллага кирди. СССР—Нидерландия баҳсида 20,5—19,5 ҳисоби билан совет спортчилари ғалаба қозонишди. Бу муҳим ғалабага тошкентлик халқаро классдаги СССР спорт мастери С. Давидов муносиб ҳисса қўшди. У рақиби Д. де Ионгани 6 соатлик баҳсдан сўнг мағлуб этди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ҳамшаҳаримиз терма команда составидаги учрашувларни муваффақиятли ўтказаётир. У тўрт учрашувнинг учтасида ғалаба қозонди. Бир ўйин дуранг натижа билан якунланди.

● ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Европа чемпионлари кубоги учун Брюсселда майдонга тушган Андижоннинг «Андижанка» қизлар хоккей командаси сўнгги учрашувда Уэльснинг «Пенант» коллективини 4:0 ҳисобида мағлуб этди. Қизларимиз умумий бешинчи ўринни эгалладилар.

● ФУТБОЛ. Францияннинг Тулон шаҳрида 21 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида халқаро турнир бўлмоқда. СССР ёшлар терма командаси Италия футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлуб этди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларини енгил атлетикачиларининг анъанавий турнири бу сафар Қарағанда шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақаларда тошкентлик П. Боробьев юксак моҳирлик кўрсатди. У 100 метрга югуришда 10,2 секунд натижа кўрсатди ва республика рекордини янгиладди. Умуман, бу мусобақаларда республикамиз вакиллари 18 марта ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Тошкентнинг кумуш камари — Анҳор фақат сув манбаи, оромгоҳ маскан бўлибгина қолмай, у спорт объекти ҳамдир. Суратда: қайиқчилар машқ ўтказишмоқда.



ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

ЁМОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ

Радик Аҳмалетдинов ўзининг қинғир ишлари учун бир бор судланганидан кейин ҳам, тегишли хулоса чиқариб олмади. Унинг саёқ юриши, атрофдаги айрим тенгдошларини йўлдан уриши кўпчиликнинг ғашига тегарди...

Зерикиб ўтирган Радикнинг уйига Наримон кириб келди. Икковлари шаҳарга чиқишга, бироз кўнгилхушлик қилишга келишиб олдилар. Йўлда уларга Ю. Цихоцкий ҳам қўшилди.

Юрийнинг ёнида 20 сўм пули бор эди. У имконият борида дўстларини бир сайлашни ҳаёлидан ўтказди.

Кўп ўтмай уч улфат бирбирларига суянганча қўшиқ ҳиргойи қилиб боришарди.

— Мен Тошкентга боришим керак, — ниҳоят нима мақсадда йўлга чиққанини эслади Юрий. — Хотинимни соғинганман, тушунаяпсанларми? Боришим керак, — такрорларди у.

—Тошкентга биз ҳам сен билан борамиз,—деди дўстига таскин бериб Радик.— — Сен машина ҳайдашни биласан-а? Автобусни кўраяпсанми? — Олмалиқ шаҳар касалхонаси олдида турган автобусга ишора қилди у. — Ана ўшанда лип этиб борамиз-у, келамиз.

Аввал Радикнинг гапини ҳазил деб билган ширакайф йигитлар, унинг жиддий равишда таклиф қилаётганини тушунишди. Ҳамёни бўшаб қолган Юрийга ҳам бу гап маъқул тушгандек бўлди...

ПАЗ-672 маркали автобус жойидан қўзғалди. Улфатлар иш ҳамиридан қил суғургандек, енгил кўчанидан севинишарди. Уларнинг қандай қилиб каттагина машинани елдириб кетишганини чамаси ҳеч ким сезмади. Лекин, йигитчаларнинг бу кувончи кўпга бормади. Тикувчилик фабрикаси яқинидаги бурилишда Юрий тезликни ҳаддан ташқари ошириб юборганлиги ва мастлиги сабабли машинани бошқара олмай, йўл четидаги дарахтга урилди. Машинадаги йигитлар қаттиқ жароҳатландилар

Учинчи қурилиш бошқармаси ишчиси Р. Аҳмалетдиновга қўшилиб, машинани олиб қочишда қатнашган 50-шаҳар махсус ҳунар-техника билим юрти талабаси Н. Сейтумеров ва олмалиқлик Ю. Цихоцкийлар давлат мулкига анчагина моддий зарар келтиришди. Шунинг учун улар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Қилмиши оқибатида қаттиқ жароҳатланган Р. Аҳмалетдинов ҳам суд олдида жавоб беради.

Шуни айтадилар-да, қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар, деб.

Қ. КАРИМОВ.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

ТЕЗКОР, КУЧЛИ...

Дўстим Павел Чиркин билан дам олиш кунларини Сирдарё бўйларида ўтказишга одатланиб қолганмиз. Мана бугун ҳам иккимиз қайиқда ўтирганча севимли машғулотимиз — балиқ овлаш билан бандмиз.

Қармоқлар сувга ташланган. Борлиқ кишига ўзгача кайфият бахш этмоқда. Атрофдан сувнинг аста жилдираши-ю, балиқчи қушларнинг чуғур-чуғури эшитилади. Бизнинг бутун диққатимиз эса сув тўлқинларида енгил тебранаётган пўкакларга қадалган.

Кўп ўтмай сув юзида қалқиб юрган пўкакларидан бири ўйнай бошлади. Қармоқ илғори таранг тортилиб, пўкак сув юзида кўринмай қолди. Хушёрланиб, қармоқни кўтаришга чоғландим. Аммо, у худди бирон ерга илиниб қолгандек қаттиқ эди. Бироз кутдим. Илғар бўшашди. Яна қармоқни тортдим. Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Сув юзида типирчилаганча катта илонбалиқ кўринди. У тинмай ўйнар, ҳар томонга сув сачратар, қармоқ узилгудек бўларди.

Балиқни эҳтиёткорлик билан қайиққа яқинлаштирдик. Жабраларидан ушлаб, энди кўтариб олмоқчи бўлган ҳам эдимки, гўё бармоқларимни нимадир чаққандек бўлди. Оғриққа чидайолмай балиқни бироз бўшатдим. Илонбалиқ илғи узганича сувда ғойиб бўлди. Чамаси 10 килограмм оғирликдаги ўлжани қўлдан чиқарган икки дўст бир биримизга қараганча таажжубланиб қолдик. Шошилинчда балиқни сувдан олиш учун махсус тўрхалтамиз борлигию, бундан ташқари балиқнинг жабралари игнали эканлигини эсдан чиқарганимизга афсуслардик...

Аввалда ўлкамиз сув ҳавзаларида мутлақо учрамаган бу жонивор кейинги йилларда республикамизнинг кўпгина жойларида пайдо бўлиб қолди. Буни мутахассислар шундай изоҳлашади: 60-йилларнинг бошларида Узбекистон ва Туркманистоннинг балиқчилик хўжаликларига Амур балиқларини келтириб, кўпайтирила бошланди. Ана шулар билан илғи илонбалиқлар ҳам бу ерга келиб қолди. Энди уларни республикамизнинг барча сув ҳавзаларида учратиш ва белгиланган муддатларда овлаш мумкин.

Илонбалиқнинг ватани —жанубий шарқий Осиё. У Бирма дарёлари, Филиппин оролларн яқинида, жанубий Хитойда, шунингдек, Амур дарёсида яшайди. Ҳимолай тоғларида яшовчилар уни илонбалиқ, узоқшарқликлар эса Хитой чўртонбалиғи деб аташади. Бу тезкор ва кучли балиқнинг боши илонникига ўхшайди. Балки илонбалиқ номи ҳам шундан келиб чиққандир.

М. МАҲМУТОВ,
«Узбекхоториболовсоюз»нинг фахрий аъзоси.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 12 июнда чиқади).

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.40 — Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 11.55 — Фильм-концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 —Концерт. 16.35 — Белинский туғилган куннинг 170 йиллигига. 17.20 — Горнчилар қаердасиз! 17.50 — Концерт. 18.35 — Спортчилар класси. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳаётга йўлланма. 20.05 — Концерт. 20.25 — Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.15 — Дунё воқеалари.

Уз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Телевизион театр. 13.00 — Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Тенгдош. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Пушкинхонлик. 20.10 — Ем-хашак ишлаб чиқариш резервлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Саҳна усталари. 23.15 — Бугун оламда нима гап? 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

Уз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар, программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Реклама. 19.05 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Барча яхши нарсалар — болаларга. 20.50 — Математика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10|VI да Кузнинг биринчи куни, 11|VI да Ун учинчи рамс, 13|VI да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10|VI да Ҳижрон, 11|VI да Ўжарлар, 12|VI да Ишонмасанг ўламан.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10, 11, 12, 13|VI да ЛИРИКА ВА КУЛГИ КЕЧАСИ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748: масъул секретарь — 334808, 325353: секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуш — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325643; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325353; фотомухбир — 325894.

Р. 07183. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1622. 11